

**O'ZBEKISTON RESPUBLIRASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NIZOMIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**



РЕФЕРАТ

Тошкент воҳасининг қадимий маркази

Тарих факультети 3-босқич талабаси
Юлдашева С.

Тошкент воҳасининг қадимий маркази

Тошкент воҳасининг қадимий марказларидан бири Мингўрик ёдгорлиги ҳисобланади. Мингўрик номи қадимий обидага нисбатан XIX асрда берилган. Илгарилари уни маҳаллий аҳоли Афросиёб номи билан атаган. Араб ёзма манбаларида бу шаҳар “Мадинат аш–Шош” номи билан тилга олинса, бошқа ёзма манбаларда “Чоч”, хитой ёзма манбаларида “Дже–Ше” ва “Ши” номлари билан учрайди.

Археологик тадқиқот натижалари ва ёзма манбалардаги тавсифини солиштириш натижасида, тадқиқотчилар уни, “Шохнома” да ёзиб қолдирилган Сиёвушнинг барпо этган шаҳарлардан биридир деб ҳисоблашади¹. Мингўрик VII–VIII асрларда энг тараққий этган шаҳар бўлиб, буюк ипак йўлидаги муҳим савдо марказларидан бири бўлган. Мингўрик ёдгорлиги илк ўрта асрларда ривожланган шаҳарлардан бири эканлигини унинг ёзма манбалардан кўплаб тилга олинганлигидан ҳам билиш мумкин.

Ёдгорлик Тошкент шаҳрининг Шимолий Темир Йўл Вокзали ёнидаги Салор каналига яқин жойлашган. Мингўрик ёдгорлиги I–XIII асрларга оид қадимий шаҳардир. Тарихий манбаларга кўра, унинг худуди 35га бўлганлиги аниқланган.² Хитой ёзма манбаларида эса, унинг худуди 3 ли кўрсатилган. Чор Россияси ҳукмронлиги даврида унинг харобалари устига янги бинолар барпо қилина бошланган. Шу тариқа қадимий шаҳар излари йилдан йилга йўқола бошлаган. Шаҳар қурилиши муносабати билан Мингўрикнинг бир қисми тепалик тарзда сақланиб қолган.

Археологларнинг сайи ҳаракатлари туфайли шаҳар тарихи очила бошлади. Унинг иқтисодий ва маданий тараққиёт йўллари аниқлана борди. Шаҳар қалин пахса ва хом ғиштдан қилинган мустаҳкам мудоффа девори билан ўралган. Шаҳристон ичида ҳам мустаҳкам мудоффа иншоотларига эга

¹ Алимова Д., Филанович М.И. Қадимги Тошкент тарихи. –Тошкент, 2007, 21–бет.

² Мукминова Р.Г. Филанович М.И. Ташкент на перекрестке истории (очерки древней и средневековой истории города). –Ташкент, 2001, стр.14.

бўлган баланд арк-қаср бўлган. У зинапоялар шаклидаги тўғри бурчакли минораларга эга бўлган. Арк—қаср 0,5 гектарни, шахристон 15 гектар майдонни эгаллаган³.

Мингўриқда дастлаб 1896 йил Е.Т.Смирнов, Н.С.Ликошин томонидан, 1912 йилда эса Туркистон археология хаваскорлар тўғараги аъзолар томонидан археологик тадқиқот ишлари олиб борилган. Кейинчалик 1920 йилларда М.Е.Массон, 1968 йилларда Тошкент археологик экспедицияси тадқиқот ишларини давом қилдирганлар. Лекин кейинги йилларда ёдгорликни сақлаш ишига эътиборсизлик қилинганлиги сабабли, у яна хароба аҳволга келиб қолган эди. Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи муносабати билан бу ерда яна археологик тадқиқот ишлари жонланиб, шаҳар қолдиқлари тўлиқ тадқиқ қилинмоқда, уни таъмирлаш ва сақлаш ишлари юзасидан ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳарга дастлаб мил.ав.І асрнинг охири ва милодий І асрнинг бошларида асос солинган. Шу вақтда унинг дастлабки муҳофаа девори тикланган. Хом ғиштдан тикланган деворнинг қалинлиги 9 метрни ташкил этган. Лекин шаҳарнинг тез ўсиб бориши унинг худудининг кенгайшига олиб келган. Натижада милодий YІ асрга келиб, Мингўриқ шаҳри Тошкентнинг марказ шаҳри ўрнини эгаллаган ва бу ерда ҳоким қароргоҳи – қасри бунёд этилган.

Тадқиқотлар натижасида шаҳарда ҳаёт уч асосий даврда давом этганлиги аниқланган. 1-давр милодий I-IV асрларга мансуб бўлиб, бу даврга оид узун йўлакчи, икки қаторли қалъа деворлари қолдиғи топилган. Девор ташқарисида тўртбурчак шаклда бурж ва мўлалар бўлиб, уларнинг ораси 12 метрга тенг бўлган. Бу даврда шаҳар ҳунармандчилик ва савдо сотиқ маркази сифатида ном чиқарган. 2-давр V-YІ асрларга оид бўлиб, бунда шаҳар тез суръатларда ривожланиб, аҳоли сони ошиб борган. Шу даврда шаҳар арк ва шахристонга эга бўлган йирик марказга айланган. YІ аср охириларида эса шаҳар Чочнинг пойтахтига айланган. 3-давр YII-YIII асрларга оид бўлиб, бу давр шаҳарнинг энг юксалган даври бўлган. Бу даврда

³ Тошкент. Энциклопедия. –Тошкент, 2001, 193–бет.

мухташам сарой барпо этилган. Шу давр саройи бирмунча тўлиқ ўрганилган. Саройда кўплаб хоналар, зал, кенг дахлизлар ва омборхоналардан иборат бўлган. Хона деворлари турли безаклар, хайкалтарошлик намуналари билан безатилган. Бу ердан муқаддас оловга сиғиниш билан боғлиқ буюмлар ҳам топилган. Шахристондан аҳоли турар жойларининг излари, хунармандчилик устахонаси қолдиқлари топилган.

Мингўрик шаҳри ҳақида ёзма манбалар, шу жумладан “Шохнома” да, хитой ва араб ёзма манбаларда маълумотлар ёзиб қолдирилган. Уларни тадқиқ асосида олимлар Тошкентнинг сиёсий ва маданий тарихини тиклаганлар.

Шаҳарга дастлаб асос солинганда у савдо ва хунармандчилик маркази сифатида фаолият юритган. Лекин баъзи бир сабаблар, шу жумладан эфталитлар ва турклар ўртасидаги урушлар, аҳолининг турклар ҳукмронлигидан норозилик чиқишлари натижасида илгариги пойтахт шаҳар вайрон этилади. Мингўрикнинг қулай географик шароити, Буюк ипак йўлида қулай жой эгаллаганлиги ва мустаҳкам муҳофаа тизими мавжуд бўлганлиги сабабли, пойтахт шаҳарга айлантирилади. Шундан кейин шаҳарнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиёти янада юксала бошлаган. У гавжум ҳалқаро савдо марказига айланди. Турли давлатлар қадимий тангаларининг бу жойдан топилиши шундан дарак беради.

Шаҳарда аҳоли зич жойлашган. Чочликлар деҳқончилик, хунармандчилик, заргарлик, савдо–сотиқ ишлар билан шуғулланганлар. Улар зардуштийлик динига эътиқод қилганлар. Ҳоким саройи ва аҳоли турар жойларидан оловга эътиқод қилиш урф одатлари билан боғлиқ ашёлар топилган. Шунингдек, Чочликларнинг ибодат амаллари бажариладиган алоҳида бинолар–қалъа ҳам бунёд этганлар. У бугунги кунда Чилонзор Оқтепаси номи билан машҳур бўлган ёдгорликдир. У Мингўриқдан 7км узоқликда жойлашган. Бу ибодатхона–қалъада V-VIII асрларда муқаддас олов ёқилган ва унинг шарафига турли маросимлар ўтказилиб турилган.

Чоч ҳукмдорининг шаҳардан ташқаридаги қароргоҳи ҳам аниқланган. У бугунги кунда Юнусобод Оқтепаси номи билан машҳур. Бу қалъа V–VIII

асрларга оид бўлиб, унда кенг ховли ва сарой қолдиқлари топилган. Сарой икки қаватли бўлиб, 3 зал ва кенг коридор топилган. Унинг иккинчи қаватидаги зал нақшлар ва расмлар билан безатилган. Деворлар қизил гил билан қопланган. Марказий залида тахт ўрнатилган.

Шаҳар йирик маданият маркази ҳам бўлган. Бу ерда металдан турли хунаремандчилик буюмлари яшаш билан бирга қимматбаҳо тошлардан турли заргарлик буюмлар ясалган. Хайкалтарошлик, рассомчилик, меъморчилик, кулолчилик, шишасозлик каби касблар ривожланган. Санъатнинг бир қанча турлари бўйича махсус мактаблар мавжуд бўлган. Чочлик ҳофизлар, муғаннийлар, раққосларнинг ўйинлари дунёда машхур бўлган. Чочлик ўғил болаларнинг хитойча “хутен” ва “чжечжи” деб аталган рақслари ҳақида хитой манбаларида ёзиб қолдирилган.⁴ Чочда қизлар ижро этадиган рақс турлари ҳам бўлиб, улар асосан ҳосилдорлик маъбудига бағишланган ва турли маросимларга оид бўлган.

Шаҳарда қудратли мудоффа тизими яратилган бўлсада, аҳолиси ташқи душманга нисбатан қаттиқ курашган. Унинг халқи эркесвар бўлган. Қўрқмас ва ботир жангчилари билан ном чиқарган. Шаҳарнинг “Чоч”, “Ши” деб ном олишида ҳам аҳолининг метиндек иродаси, ботирлиги, ўз шаҳрини “тошдек химоя қилишига” нисбатан берилган рамзий номдир.

Шаҳар тарихига эътибор қаратсак, ташқи душманга нисбатан чочликлар беаёв курашганлар. Турклар ҳукмронлиги ўрнатилаётган даврда ҳам чочликлар уларга қарши мардона курашганлар. Турклар билан эфталитлар ўртасидаги асосий жанглар Тошкент воҳасининг жанубий қисмида юз берган. “Шоҳнома”да келтирилишича, Сирдарёнинг бўйида бўлган жангларнинг бирида “Чочдаги отлиқ аскарларнинг қони жўшқинлигидан дарё суви лолагун тусини олади”⁵.

Турк ҳоконлиги даврида Чоч бир қадар мустақилликга эга бўлиб, ҳокимиятни маҳаллий сулола бошқарган. Шегуйхон ҳукмронлиги даврида, 605 йилда чочликлар туркларга қарши қўзғолон кўтарганлар. Қўзғолон

⁴ Алимова Д., Филанович М.И. Қадимги Тошкент тарихи. –Тошкент, 2007, 30–бет.

⁵ Алимова Д., Филанович М.И. Қадимги Тошкент тарихи. –Тошкент, 2007, 18–бет.

бостирилгач, у ерни бошқаришга турк ноиби жўнатилган. Унинг асосий вазифаси хоқонлик фойдасига олинадиган солиқлар йиғишни назорат қилишдан иборат бўлган. Айни пайтда Чочга Хитой ҳам даъвогарлик қилган. VIII асрдан бошлаб, Ўрта Осиёга араблар босқинлик юришлари бошланади. Араблар Самарқандга хужум қилаётган пайтда, унинг хокими ёрдам сўраб қўшни давлатларга элчиларни юборади. Араб муаллифи Табарийнинг асарларида келтирилишича, Турк хоқони Инея сара жангчилар билан Самарқандга ёрдамга келаётганда пистирмага тушиб, қириб ташланади. Улар орасида Чочлик аскарларнинг ҳам энг саралари бўлган экан. 713 йилда Кутайба ибн Муслим Чочга хужум қилади. Чоч аҳолиси уларнинг хужумларига мардонавор қарши турганлар. Араблар барча шаҳар ва қишлоқларига ўт қўйганлар. Шу даврда Мингўрик ёдгорлиги билан бирга ўша даврдаги мавжуд барча қалъа–қўрғонлар вайрон этилган. Уларнинг аксарияти шу босқиндан кейин ўзини тиклай олмади. Ёзма манбаларда келтирилишича, Тошкент худудида ўша даврда 4 шаҳар, 20 яқин қаср ва қишлоқлар бўлган.⁶

Арабларнинг босқинчилик юришлари ҳам чочликларни тўлиқ ўзига бўйсундира олмади. Араблар хукмронлиги даврида ҳам Чоч мустақил сиёсат юритди. Хаттоки, Чоч араблардан норози бўлган, янги динни қабул қилишга қарши бўлган одамларнинг тўпланадиган масканига айланган.

Араб истилочилари хужумидан кейин Мингўрик харобага айланган. X-асрда унинг бир қисмида ҳаёт тикланган ва XIII асргача давом қилган. Мўғуллар истилосидан кейин эса бутунлай харобага айланиб, у ерда ҳаёт қайта тикланмаган. Вақт ўтиши билан бу хароба шаҳарнинг атрофи деҳқон далаларига айланган. Марказ янги шаҳар Бинкатга кўчирилган.

⁶ Алимова Д., Филанович М.И. Қадимги Тошкент тарихи. –Тошкент, 2007, 20–бет